

# ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ  
ОРГАНИ

- 2001 йил, 25 январь, пайшанба № 11 (1431).
- Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
- Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ  
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

- Четверг, 25 января 2001 г. № 11 (1431).
- Газета издается с 24 июня 1992 г.
- В розницу — цена свободная.

## Ёшларнинг ижтимоий ҳаракати

24 январь куни Тошкентда Ёшлар масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора, муассаса, ташкилот, олий ўқув юрлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ҳамда ёшлар вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нуқт сўзлади. Мамлакатимиз раҳбари ўз сўзида юртимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг марказида турганини алоҳида таъкидлади. Еркин келажак, қудратли давлат қуриш айнан бугунги авлоднинг салоҳиятига, унинг интилиш ва ақл-идрокига боғлиқ, деди Президент. Шу сабабли истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб мажбурий масалага жиддий эътибор қаратилди ва бу ишлар бугунги кунда янада кучайтирилмоқда. Ёшларимизнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, имкониятларини кенгайтириш, таълим-тарбия олишига етарли шароит яратиш мақсадида мамлакатимизда турли жамғармалар, ташкилотлар тузилди. Бугунги кунда айнан шундай муассасаларимиз кўмағида ёшларимиз хорикга ўқиб, замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишга муяссар бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, уларнинг яхши ҳаёт қуриш, фаровон турмуш кечириши учун яратилган имкониятлар кенгайиб бораётир.

Мамлакатимизда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга ошириляётган бўлса-да, улар бугунги давр талаблари даражасида кенг қамровли эмаслиги ҳам сир эмас. Шунинг учун ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш зарур. Йиғилишда Президент Ислон Каримов алоҳида таъкидлаганидек, Ўзбекистон 21-асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ўсиб келаяётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб ювга етишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шундай экан, айни пайтда бу соҳада йўл қўйилган ҳар қандай сусткашлик, камчилик келажакка берилган зарбага тенг, дейиш мумкин.

Шу ўринда жамиятимизда ёшлар тарбиясида айрим бўшлиқлар вужудга келганини айтиб ўтиш жоиз. Айнан шундай бўшлиқлар сабаб баъзи ёшларнинг ҳар хил диний-экстремистик, террорчилик оқимлари таъсирига берилишига йўл қў-

йилди. Бу эса асло кечирилмас ҳолдир. Кимда-ким бизнинг мустақил тараққиёт йўлимизни, орзу-мақсадларимизга эришиш йўлини, янги жамият қуриш йўлини тўсмоқчи бўлса, аввало, ҳали суяги қотмаган, мустақил дунёқараш шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг маънавиятини бузади, уларни азалий табиатимиз ва муқаддас одатларимизга мутлақо зид бўлган ғоялар билан чалғитиб, ўзларининг ғаразли ва жирянч ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилишга уринади, деди давлатимиз раҳбари.

Сўнги йилларда ғоявий душманларимиз ўзларининг манфур ниятларини рўйга чиқариш учун энг замонавий телекоммуникация ютуқларидан, жумладан, Интернет тармоғидан фойдаланишга ҳам ҳаракат қилляпти. Шу сабабли маънавиятимизда бўшлиқ ҳосил бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Президент бундай бўшлиқ юзага келган тақдирда уни ёшларнинг илмга, касб-ҳунарга, соғлом турмуш тарзига, бунёдкорлик ишларига қизиқишлари билан ҳамроҳанг бўлган янги ҳаёт мазмуни, янги қадриятлар билан тўлдириш лозимлигини айтди. Ислон Каримов ёшларимиз тарбиясини ўз қўлимизга олмасак, бу ишни бошқалар яъни демократия тамойилларига асосланган фаровон ҳаёт қуришимизга раҳна солувчи кучлар ўз қўлига олиши мумкинлиги тўғрисида огоҳландирди.

Ҳўш, ёш авлодни турли қинғир йўللарга кириб кетишдан, номақбул оқимлар таъсирига тушиб қолишдан қандай ҳимоя қилиш мумкин? Давлатимиз раҳбари ёшларимизни ана шундай тажовузлардан ҳимоя қилиш йўлидаги курашда икки йўналиш, икки тамойилни белгилаб берди. Уларнинг биринчиси бу курашда халқимизнинг азалий анъаналарига, бугунги миллий тараққиётимизга хизмат қиладиган урф-одатлари, тили, дини, руҳиятига, дунёқараш ва тафаккурига асосланган бўлса, иккинчиси умуминсоний ва замонавий қадрият ва ютуқларга таянишдир. Ислон Каримов бу тамойилларни олдимишга қўйилган энг муҳим мақсад сифатида белгилаб, уларни ўзаро уйғунлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ёшларининг бошини қовуштириш, муаммоларини ҳал қилиш би-

лан шугулланиш, имкониятларини кенгайтириш мақсадида бундан беш йил муқаддам «Намолот» жамғармаси ташкил этилган эди. Тан олиш керак, бу жамғарма муайян ишларни амалга оширди. Бироқ «Намолот» ташкил этилган пайтда ўз олдига қўйган муҳим мақсадларни амалга ошира олмади. Ёшлар тарбияси билан шугулланиш ўрнига, кўпроқ тижорат йўлига ўтиб олди.

Ислон Каримов ўз нуқтида моддий нуқтан назардан кўп нарсага эришиш осон, бироқ маънавият-маърифат соҳасидаги йўқотилар ўзини тўлдириш қийин иш эканини таъкидлади. Айтиш мумкинки, «Намолот» айни шу ўринда ўз олдига қўйилган вазифаларни удалай олмади.

Шу боис Ислон Каримов ёшларнинг бошини қовуштирадиган, «уларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўла оладиган» янги ташкилот тузиш ғоясини илгарин сурди. Давлатимиз раҳбари бу ташкилот «Намолот» номини сақлаб қолиши, бироқ унинг иш юритиш услуби жамғарманикидан фарқли бўлишини таъкидлади. Президент янги ташкилотни ёшларнинг ижтимоий ҳаракати шаклида тузиш мақсадида мувофиқ бўларди, деди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шoirлари Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуф, Ўзбекистон Миллий университети ректори Тўрабек Долимов, «Намолот» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Қаҳрамон Қуронбоев, «Улуғбек» жамғармаси Фаргона вилоят бўлимининг раисаси Зарина Абдуллаева ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг ёшларнинг ижтимоий ҳаракатини тузиш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бундай ташкилотнинг ташкил этилиши миллий манфаатларимизга хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

Йиғилишда янги ижтимоий ҳаракатнинг ташаббускор гуруҳини ташкил этиш кераклиги таъкидланди. «Намолот» жамғармаси негизида фаолият юритадиган бу гуруҳ вилоятлар, туманлар, шаҳар ва қишлоқларга чиқиб, ёшларнинг янги ҳаракат борасидаги фикрини ўрганиши, уларнинг хоҳиш-иродаси асосида Низом лойиҳасини ишлаб чиқиши белгиланди.

**О. ЗАДУНАЙСКАЯ,  
А. КАРИМОВ,  
ЎзА мухбирлари.**

## ИИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, мамлакатимиз Президентининг «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони, «Соғлом авлод»

ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурлари бажарилишининг 2000 йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов бошқарган йиғилишда бу борада белги-ланган вазифа ва режаларнинг ижроси атрафлича муҳокама этилди.

Йиғилишда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик ва

идоралар фаолиятида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар таҳлилига ҳам алоҳида эътибор жалб этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиларининг Т. Русқиев, А. Мелибоев, З. Хусниддинов қатнашди.

(ЎзА).

## ● СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!



Шартнома бўйича хизмат катта сержанти Элдор Илёсов аскарлик ҳаётини бошлаган дастлабки кунлардан бошлаб, хизматда қолишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Ун саккиз ой жуда тез ўтиб кетди. Бугунги кунда Элдор ўз мақсадига эришган, катта сапёр сифатида фаолият кўрсатмоқда. Элдор жанговар маҳоратини кун сайин оширмоқда.  
**Н. ЮСУПОВ** олган сурат.

## ● ИДЕТ БОЕВАЯ УЧЕБА ПРЫЖОК НАЧИНАЕТСЯ... НА ЗЕМЛЕ

На последнем практическом занятии воины учебной десантно-штурмовой группы лейтенанта Шерзода Норғитова тренировались на воздушно-десантном комплексе (ВДК).

А предшествовала этому отработка норматива по укладке парашюта. Это в первые дни курсанты учебного подразделения несколько робели при виде размеров разложенного на брезенте армейского парашюта — сейчас они сноровисто и уверенно действовали сразу после команды «К укладке приступить». Руководившие на учебных точках сержанты придирчиво и строго оценивали качество проделанной работы, но и они видели очевидные изменения в результатах в сторону улучшения.

концов страны съехались они сюда: Азамат — из Самарканди, Нурулло — из Маргилана, а Улуғбек — из Бухары. Стали здесь друзьями, единым коллективом.

— А когда прыгнем с самолета? — с нетерпением спрашивают ребята у командира отделения.

— Всему свое время, — невозмутимо отвечает Фаррух. — Сначала пройдите полный курс предпрыжковой подготовки, сдайте зачеты, а уж потом мечтайте о небе.

Да, если перефразировать известную присказку авиаторов о том, что «полеты в небо начинаются на земле», то выходит — и прыжок в небо начинается с подготовки здесь, на ВДК, и предшествует ему обучение укладке парашюта.

Одни ва другим, гремя сапогами по гулким ступе  
**(Окончание на 2-й стр.)**

**СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП**

**ШАХМАТЫ  
ЗАВОЕВАЛИ  
ПУТЕВКИ**

В Ташкенте завершился отборочный турнир среди мужчин за выход в первую лигу чемпионата Узбекистана. Три путевки по швейцарской системе оспаривали 72 претендента. Победителем стал Сергей Каюмов, набравший 8 очков из 9 возможных. Права выступать в первой лиге также добились Сергей Федяшин и Атахм Юнусов, занявшие второе и третье места. По дополнительным показателям они опередили Анатолия Захарова и Рустама Турсунова. У каждого из этой четверки по 7,5 очка.

**СКАЛОЛАЗАНИЕ  
ПОЗДРАВЛЕНИЯ  
УЗБЕКИСТАНЦАМ**

В Чимкенте завершился чемпионат Центральной Азии. Наряду с хозяевами соревнований первенство оспаривали представители Узбекистана и Киргизии.

В дисциплине на сложность подъема победителем стал казахстанский спортсмен Евгений Звонарев. Второе и третье места, соответственно, заняли узбекистанские мастера спорта Джамшид Уразалиев и Александр Металев.

В состязаниях на скорость подъема лучшее время и технику покорения отвесной стены показал наш скалолаз Виталий Былым. За ним финишировали казахстанцы Аркадий Чекмеев и Юрий Кобылицкий.

Среди юношей и девушек спортсмены Узбекистана не остались без поздравлений во всех трех возрастных группах. В дисциплине на сложность подъема первыми были Александр Смоленский, Владимир Былым и Елена Горлова. Вторым — Владислав Левин, Тимур Касымов и Александра Жирнова. Третий результат у Альфины Рахматуллиной.

В скорости подъема никто не смог составить конкуренцию Владимиру Былым и Александре Жирновой. Серебряных медалей удостоены Тимур Касымов и Елена Горлова. «Бронза» осталась за Рустамом Аджалимовым, Александром Смоленским и Альфиной Рахматуллиной.

**ФУТБОЛ  
К СОЖАЛЕНИЮ —  
ПОРАЖЕНИЕ**

В Москве на Кубке чемпионов Содружества завершились групповые соревнования. В заключительном матче в группе «С» между узбекистанским «Дустликком» и грузинским «Торпедо» решалась судьба одной из двух путевок в высшую лигу турнира. Соперники вышли на поле не с равными расчетами. Футболистов из Кутаиси устранила ничья, а наша команда должна была только выиграть. К сожалению, нашим землякам нужного результата добиться не удалось. Он остался на стороне «Торпедо», которая выиграла со счетом 3:0.

Ю. ЛИТВИНОВ.

**ДЗЮДО  
ПЕРВЫЕ  
ПОБЕДИТЕЛИ**

В минувший вторник в демонстрационном зале МХСК стартовал чемпионат республики. Уже известны имена первых победителей. В весовых категориях до 81 кг и 90 кг чемпионами стали бухарские атлеты Фарход Тураев и Камол Мурадов. В группе претендентов до 100 кг титул чемпиона страны завоевал Дмитрий Каменский. А в весе свыше 100 кг поздравления принял Абдулла Тангриев. У женщин первыми стали Марина Михеева (Ташкент, до 70 кг) и Тамара Югай (Хорезм, до 78 кг).

Л. ЮГАЙ.

**ТЕЛЕАНОНС  
«ВАТАНИМГА  
ХИЗМАТ  
КИЛАМАН»**

4 февраля в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат киламан», подготовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

В этом выпуске авторы передачи предложат телезрителям беседу за «круглым столом». Ее тема — воспитание надежных патриотов нашей Родины.

Во второй части передачи будут показаны репортажи о ходе зимней боевой учебы, в ходе которой воины-узбекистанцы совершенствуют свое ратное мастерство.

Повтор этой передачи смотрите во вторник, 6 февраля, в 17.00.

Наш корр.


**ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД,  
ОПУБЛИКОВАННЫЙ  
В № 8**

**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 1. Белуга. 3. Август. 7. Альбедо. 10. Агент. 11. Авран. 12. Дилетантизм. 15. Проба. 17. Бонус. 18. Медресе. 19. Анабас. 20. Аромат.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Ватман. 2. Галит. 4. Водка. 5. Талант. 6. Абракадабра. 8. Дебитор. 9. Аризона. 13. Оправа. 14. Аспект. 16. Арена. 17. Бистр.

Составила А. ХОДЖИХАНОВА.

**КРОССВОРД**



НА БУКВУ «А»

**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 5. Бессмыслица, нелепость. 6. Общее название элементарных частиц, подверженных сильному взаимодействию. 9. Лассо (син.). 11. Самая крупная артерия. 12. Гормон мозгового вещества надпочечников. 15. Название волокнистых минералов из группы серпантина. 18. Отсутствие пола (биол.). 19. Богиня зеленого плодородия и любви в древнефиникийской мифологии. 20. Проявитель в фотографии. 21. Священная книга у некоторых древних народов Ирана. 24. Материалистическое учение о природе. 26. Врач. 27. Столкновение. 31. Государство. 33. Предварительное объявление. 34. Проводник чьих-либо идей. 35. Род одинаковых арок. 36. Тропический плод.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Католический священник во Франции. 2. Наем земли, домов. 3. Медленный музыкальный темп. 4. Декоративное покрытие в виде тонкого слоя белой или цветной глины. 7. Профессия. 8. Ослабление тонуса мышц, скелета (мед.). 10. Небольшая рыба. 13. Собрание. 14. Организация. 16. Смесь чего-либо, набор. 17. Доказательство исторического развития организма. 22. Минерал из группы амфиболов. 23. Ударение. 25. Хоккейный прием. 28. Значительное количество самолетов, танков. 29. Болельщик. 30. Танцевальный выход одного или нескольких исполнителей. 32. Нарядная застежка.

Составила Ж. ИСАКОВА.

**ПСИХОТЕСТ**

**Вы в хорошей спортивной форме?**

Пренебрежительное отношение к своему телу — явление распространенное. Но без физической активности не будет и здоровья. Как вы считаете? Из трех вариантов ответов (А, Б, В) выберите тот, который больше подходит.

1. Вы прихотливы в еде и думаете о пользе продуктов питания?  
А. Конечно.  
Б. Я не привередничаю.  
В. Нет, люблю поесть.
2. Вы всегда замечаете изменения, происходящие с вашей фигурой?  
А. Непременно.  
Б. Я не слежу за весом.  
В. Хочу быть стройной.
3. Вы пользуетесь только проверенным шампунем для волос?

- А. Не всегда.  
Б. Да.  
В. Мою чем придется.
4. При проблемах с кожей или волосами вы обращаетесь к врачу?  
А. У меня нет на это времени.  
Б. К врачам лучше не ходить.  
В. Да.
5. Вы следите за своей осанкой, считаете это важным?  
А. Далеко не всегда.  
Б. Прямая спина — это

- здорово.  
В. Не обращаю на это внимания.
6. Вы замечали, что когда нервничаете, у вас «сосет» под ложечкой?  
А. Нет.  
Б. Иногда бывает.  
В. Случается, и часто.
  7. Если вы не приняли душ, вы чувствуете себя дискомфортно?  
А. Конечно.  
Б. Нет.  
В. Только иногда.
  8. Вы стараетесь регулярно заниматься каким-нибудь видом спорта?  
А. У меня нет на это времени.  
Б. К сожалению, не получается.  
В. Без этого просто не могу.
  9. Люди, которые активно заботятся о здоровье, вызывают у вас уважение?  
А. В целом, да.


- В. Конечно.
- В. Если это не чрезмерно.
10. Вы действительно тщательно следите за своими зубами?  
А. Стараюсь.  
Б. Редко бываю у врача.  
В. Увы, нет.

**КЛЮЧ К ПСИХОТЕСТУ**

	1	2	3	4
А	5	0	3	3
Б	2	3	5	0
В	0	5	0	5
5	6	7	8	9
2	0	5	0	3
5	3	0	3	5
0	5	2	5	0

**ОТ 0 ДО 15 БАЛЛОВ.**  
Вы уделяете мало внимания собственному телу, считая, очевидно, что это не главное в жизни. Советуем вам вспомнить древнюю истину — в здоровом теле здоровый дух. Здоровый образ жизни и разумная забота о своем теле просто необходимы. Не дожидайтесь, пока

ваш организм даст сбой.  
**ОТ 16 ДО 38 БАЛЛОВ.**  
Ваша забота о собственном организме сводится к минимуму. Соблюдение правил личной гигиены, редкие прогулки, плавание только в летний период, — конечно, этого мало. Попробуйте выделить время на дополнительные занятия спортом.  
**ОТ 39 ДО 50 БАЛЛОВ.**  
Вы, как никто другой, понимаете, что важно для вашего организма. Вы никогда не упустите возможность позаниматься спортом и хорошо отдохнуть. Эти усилия окупаются прекрасным самочувствием и работоспособностью. Вы ощущаете себя молодым и сильным, легко справляетесь даже с нелегкими психологическими проблемами.  
Подготовила Н. ХАЛЛИЕВА.



**МИНОРА УСДИ**

Франциянинг фахри ҳисобланган машҳур Эйфел минораси бир неча ой да-

**УҒРИЛАРГА  
ЕҚҚАН...**

Японияда ишлаб чиқарилган «Хонда—аккорд» ва «Тойота—камри» русумли

машиналар ўтган йили АҚШда энг кўп ўғирланган автомобиллар рўйхати бошида турибди. Мутахассисларнинг фикрича, бу автомобилларнинг ўғирлар эътиборига тушаётганига сабаб уларнинг харидорғирлигидир. Энг кўп ўғирланган машиналар рўйхатидаги кейинги ўринлар «Олдмобил — катласс», «Шевроле», «Хонда—сивик», «Тойота—королла»га тегишли.

**ЖИНОЯТЧИЛАР  
ҲИСОБИГА**

Лондонда полицияга хизмат қилувчилар камайиб бормоқда. Шу боис «Скотланд-ярд» раҳбарияти ўтмишда жиноят қилганларни ҳам ишга олишга қарор қилди. Уларнинг жинояти жуда оғир бўлмаса бўлгани.

**СИРИ ФОШ  
БҮЛДИ**

(Матбуот материаллари асосида тайёрланди.)

Бош муҳаррир  
полковник

И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

**КОНТАКТНЫЕ ТЕЛЕФОНЫ:**  
Отдел подписки — 56-03-46.  
Информация, реклама — 56-54-76.  
Факс (3712) — 56-07-80.

Наш адрес: 700031, г. ТАШКЕНТ,  
УЛ. Д. КУНАЕВА, 21.

Ответственность за достоверность сведений в рекламе и объявлениях несет рекламодатель.  
Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати.  
Рег. № 00050.  
Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 051.

## ЎЗИГА ХОС САМАРА БЕРЯПТИ

Марказий ҳарбий округда ҳам Мувофиқлаштирувчи Кенгаш иш бошлаганига анча бўлди. Кенгаш номига муносиб бўлган, округдаги барча хизматлар фаолиятини мувофиқлаштиряпти. 23 январда бўлиб ўтган Кенгашнинг навбатдаги йиғилиши ҳам бунинг исботи. Мазкур йиғилишда Марказий ҳарбий округ ҳарбий прокурори адлия полковниги Н. Абдуллаев бошқарди ва «Округда қонунийлик, ҳарбий интизомни янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар ва ижтимоий ҳаётни қарши курашнинг аҳволи» тўғрисида маъруза қилди. Нотиқ ўз нутқида округда 2000 йил давомида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда ҳарбий қисм командирлари ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, қонунобузликларнинг олдини олиш, ижтимоий ҳаётни қарши кураш борасида

бир қанча ижобий ишларни амалга оширганликларини таъкидлади. Йўл қўйилган камчиликларга тўхталди.

Йиғилишда қўмондон генерал-майор И. Эргашев, полковник Б. Очилов, подполковник Р. Ербеков, подполковник Б. Сармановлар сўзга чиқдилар.

Шуни таъкидлаш кераки, Кенгаш округ ҳудудида жойлашган Мудофаа, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси қисм ва бўлинмалари командир ва бошлиқларининг ишларини муваффақиятли йўлга қўйишларида ўзига хос самара берапти.

Йиғилишда олдинда турган муҳим вазифалар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**З. ЮНУСОВА,**  
«Ватанпарвар» мухбири.  
(факс орқали).

## ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗ

Ҳар бир инсон учун ўз тугилиб ўсган жойи, ота-онаси, ёру дўстлари қадрли. Мен Бухоро вилояти, Ёнқудувон тумани Тошлоқ қишлоғида таваллуд топганман. Шу ердаги 31-ўрта мактабни тугаллагач, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ҳужжатларимни топширдим. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, билим юрти курсанти бўлдим. Ховир 3-босқичда таҳсил олмақдаман. Тавтил пайтларида тенгдошларим билан учрашиб, келажак, Ватан ва халқимиз олдидаги бурчимиз мавзусида суҳбатлашганимизда, кўнглим тоғдек кўтарилди. Шу озод ва обод ўлканинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиб етишяётганимдан гурурланаман. Қисқа фурсат ичида мустақил Ўзбекистонимиз Қуролли Кучларининг офицери сифатида элимиз хизматида бўламан. Биз курсантларнинг малакали мутахассис, ҳар томонлама билимли, нақсон бўлиб етишишимиз учун ўқув масканимизда барча шарт-шароитлар етарли. Бир-биридан маҳоратли, талабчан ўқитувчи-тарбиячиларимиз ўқишда ҳам, машғулоту дам олиш онларимизда ҳам ҳамма ҳамдам, ҳамроҳлар.

Она-Ватанимиз ишончли ҳимоя қилиш — бизнинг муқаддас вазифамиз. Уни аъло даражада адо этиш эса фарзандлик бурчимиздир. Бу йўлда биз барча куч ва имкониятларимизни аямаймиз!

**Курсант Ш. МАМАТОВ.**

Шартнома бўйича хизмат катта сержанти Раимбек Нурматов 1996 йилдан буён ҳарбий хизматда. Бугунги кунда у Қуролли Кучларимизнинг энг илғор, аълочи кичик командирларидан ҳисобланади. Раимбек ҳарбий Низомларни яхши билади ва уларга қатъий риоя этади.

Барча ютуқларнинг қалити интизомда, деб билаётган шартнома бўйича хизмат катта сержанти ўз қўл остидаги посбоилардан ҳаммаша юксак интизомли бўлишларини талаб этиб келмоқда.

**Н. ЮСУПОВ**  
олган сурат.

Расширяющееся военное сотрудничество Министерства обороны Республики Узбекистан с аналогичными ведомствами других государств налагает свой отпечаток на текущие процессы. В этом плане можно сказать о том, что уже в самые ближайшие годы Вооруженным Силам потребуются офицеры-специалисты, которые бы самостоятельно, без помощи переводчиков, могли не только общаться со своими коллегами из других стран, но и обращаться с образцами вооружения и боевой техникой иностранного производства.

Потому и столь пристальное внимание в последнее время руководством Министерства обороны уделяется офицерам, свободно владеющим иностранными языками. К слову сказать, с этого учебного года иностранный язык внесен в перечень выпускных государственных экзаменов во всех

(Окончание.  
Начало на 1-й стр.)

## ПРЫЖОК НАЧИНАЕТСЯ... НА ЗЕМЛЕ

ням, войны-десантники поднимаются на вертолету — там оборудована точная копия салона самолета, из которого они совершат тренировочный прыжок. А вот и первая «ласточка» — скользи по направляющим, войндесантник под белоснежным куполом движется к месту приземления. Там уже наблюдают за его действиями товарищи и командир группы. Идет контроль за правильностью группировки тела при прыжке и удара об землю, за умением быстро и уверенно погасить купол, затем — вновь норматив по укладке на время.

Выполнив все, десантник докладывает руководителю занятия, производится раз-

бор прыжка по элементам, с тем, чтобы при повторе выявленные недостатки были устранены. Здесь важна любая мелочь, а точнее, мелочей тут просто не бывает. Не сумел воин правильно «сложиться» при встрече с землей — получит травму, не загасил быстро купол в ветренную погоду — понесет неизвестно куда, что также чревато возможным ударом и травмой.

Конечно, и сержантам, и командиром группы вполне понятно нетерпение вчерашних новичков познать пре-

лесть парения под куполом — ведь и сам командир отделения младший сержант Ф. Обидов, имеющий за плечами 8 прыжков, признался, что мечтает о поездке на аэродром. Но он также понимает меру ответственности за подготовку подчиненных. И прилагает все силы и знания к тому, чтобы, когда придет долгожданная для «крылатых пехотинцев» весна о выезде на прыжки, его отделение было готовым на все «сто».

**Майор А. КАМАЛОВ,**  
корр. «Ватанпарвара».



### ● В ВОЕННЫХ УЧИЛИЩАХ

## «Я ГОВОРЮ ПО-ФРАНЦУЗСКИ»

Этой фразой представлялись курсанты четвертого курса ТВОКУ Чрезвычайному и Полномочному Послу Французской Республики в Узбекистане Жаку Андре Костий. На днях на кафедре иностранных языков этого учебного заведения, руководит которой Шохида Абдураимова, открылся класс интенсивного обучения французскому. В его техническом оборудовании и оснащении принимала участие французская сторона.

высших военных учебных заведений нашего ведомства.

Каждый военный человек уже на первых этапах своего профессионального становления стремится сделать свою большую карьеру. И кто знает, возможно уже сейчас слушатели интенсивного курса французского языка Ташкентского ВОКУ делают для нее пусть первые, но основательные шаги. Ведь в наступившем XXI веке и им быть проводниками передовых идей в Вооруженных Силах на-

шей независимой страны.

Когда у курсантов Джамшида Курбанова, Акматали Сулейманова, Закира Сотировдиева, Хабиба Бекпулатова, Бахрилла Хамраева, Шерали Азизова и других их сослуживцев — будущих офицеров — заканчиваются основные занятия, трижды в неделю спешат они в назначенное время на кафедру иностранных языков. Здесь их всякий раз ожидает интересная встреча с новыми познаниями словно журчащего весеннего ручейка французского языка. Опыт-

ные преподаватели — Матлюба Усманова и Галина Баширова, специально готовящиеся к каждой такой встрече, терпеливо и методично дают слушателям ценные крупы своих знаний. Конечно, они полны надежды, что их подопечные непременно станут специалистами, которые найдут применение своим знаниям в самое ближайшее время.

Интерес к иностранным языкам среди молодежи в настоящее время очень большой. Не исключение в этом и молодые люди в погонах. Будущие офицеры с усердием изучают их на одной из любимых кафедр. Многие понимают, что знание иностранного языка — это современно, актуально и необходимо.

**Полковник К. МИРГАЛАУДИНОВ.**

### Хориждан хабарлар

**АР-РИЕД.** Саудия Арабистони АҚШ янги ҳукумати Исроил—Фаластин можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш тadbирларида янада фаол иштирок этишга чақирди. Мазкур мамлакат ҳукумати вакилининг айтишича, айни пайтда ушбу можарони сиёсий йўл билан бартараф этишга қўлай имконият мавжуд. Қарама-қарши томонлар ҳамда воситачи давлатлар ундан самарали фойдаланмоғи лозим.

**БРЮССЕЛЬ.** Европа статистика маркази маълумо-

тига қараганда, евро борган сари ўз қадрини тиклаётир. Жумладан, ўтган йилнинг ноябрида евронинг қадрсизланиш кўрсаткичи 2,9 фоизни ташиқил қилган бўлса, декабрда 2,6 фоизга тушди.

**ПНОМПЕН.** Камбожада Осие парламентлар уюшмасининг тинчлик мавзусидаги навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда қитъанинг 26 мамлакатлари ҳамда халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди. Тadbирда дунёда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бу борада ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

**МОСКВА.** Россия қуролли кучларининг Косовода

хизмат қилаётган ҳарбийлари орасида «Болзон синдроми» касаллигига чалинганлар ҳозирча аниқлангани йўқ. Бу ҳақда мамлакат мудофаа вазирлиги вакили Юрий Балдеевский маълум қилди. Унинг айтишича, россиялик мутахассислар ҳозир Босния ва Герцеговинадаги ҳарбий қўшинларни ҳам тўла тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

**АФИНА.** Грециянинг Косоводаги халқаро тинчликпарвар кучлар сафида хизмат қилаётган ҳарбийларидан етмиш нафари муддатидан илгари ватанига қайтиб келди. Мамлакат мудофаа вазирлигининг билдиришича, ҳарбийларнинг Грецияга қайтишига НАТОнинг Косово можаросида бойтилмаган уранили ўқ-доридан фойдалангани сабаб бўлган.

**ВАШИНГТОН.** Оқ уй вакили Ари Флайшер АҚШнинг янги президенти Жорж Буш 16 февраль кuni Мексикага боришини маълум қилди. Унинг айтишича, Ж. Буш Мексика президенти Висенте Фокс билан учрашди. Музокарада икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантириш, ноқонуний мухожирликка ҳамда гиёҳванд савдосига қарши ҳамкорликда курашиш масалалари муҳокама қилиниши кутилаётир.

26—27 январь кунлари БМТ қароргоҳида Бош қотиб Кофи Аннан билан Ироқ ташқи ишлар вазири Муҳаммад Саид ас-Саҳхофий ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Бу ҳақда ташкилот вакили Фред Экхарт маъ-

лум қилди. Унинг айтишича, учрашувда халқаро мутахассисларнинг Ироқда оммавий қирғин қуролларини теширишига рухсат бериш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

**ПЕКИН.** Хитой ҳукумати билан БМТнинг болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ўзаро ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олди. Яъни, улар 2001—2005 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлади. Унга кўра, ЮНИСЕФ Хитойда болаларни ОИТС ва бошқа юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш каби тadbирларни янада фаоллаштиришга кўмаклашади. ЮНИСЕФ бунинг учун олтинчи миллион АҚШ долларини миқдорда маблағ ажратмоқчи.

(ЎЗА).

Для всех и каждого

ФОЛЬКЛОРДА ТАРИХ  
ҲАҚИҚАТИ БОР

Мана, янги миш йилликка ҳам қадим қўйдиқ, XXI асда янаи бошладиқ. Бироқ мен баён этмоқчи бўлаётган ривоятномуз ҳикоя XVIII асрга тааллуқли. Ашиқроғи, «Ҳикматул табиат» («Табиат ҳикматлари»), «Юсуф ва Зулайҳо» каби асару дostonлар муаллифи бўлмиш Мулла Муҳаммад Раҳим Хоразми — Нурмуҳаммад Андалиб ҳаётига боғлиқ.

...Кунларнинг бирида мол боқайтган бола қора чопон кийган кишининг ўтириб олиб, алланарсаларни ёзаётганини кўриб қолди. Дастлаб унга аҳамият бермаганди. Лекин кейин таажжубланди. Сабаби, у уратган киши қош қораяётган бўлишига қарамай, ҳамон бир жойда қимирламасдан ўтирганича ёзиш билан машғул эди. Аҳён-аҳёнда осмонга тикилиб, ўзича ҳаёл сурар, эшитилар-эшитилмас бир нарсаларни пичирлаб кўярди, холос.

Бу ҳол бир неча кун, бир неча жойда давом этган.

Қишлоқ аҳли бу дарвешифат киши ўтирган жойларини белгилаб қўйишган ҳамда кейинчалик ҳам шу жойга ҳеч нарса экишмаган. Бунинг сабаби улар бу инсонни ҳикматли билишган ва унга Қоратўли (Қорачопонли) бува номини беришган. Замаҳшарий қалъаси маҳаллий аҳоли ўртасида Измишқир қалъаси, деб аталиши каби Андалиб ҳам шу ерликлар тилида Қоратўли бува номини олган. Бугунги кунда ҳам Андалиб ижод қилган ўша жойлар алоҳида ажралиб туради. Ҳозирда ҳам ўша жойларга илоҳийлик нуқтан назаридан қарашиб, экин экинмайди.

Бу воқеани амаким боболаридан эшитган. У фольклор — халқ оғзаки ижоди билан чуқур шуғуллангани боис Андалиб ҳақида кўп маълумотлар туплаган, ҳатто ҳанузгача номаълум бўлган унинг қабрини топган. Андалибнинг «Юсуф ва Зулайҳо» дostonининг

асл қўлёзма нусхасини ўқишга муяссар бўлган ва уни уйда кўз қорачигидек сақлаб келаяпти.

Менинг бу воқеани айнан ҳозир эслашимга сабаб — таваллудининг 560 йиллиги яқинлашиб келаётган Навоий бобомиз бўлди. Чунки Андалиб яшаган даврда Хоразм адабий муҳитида Киросий бошлиқ Навоий мактаби давом этаётган бўлиб, унинг атрофида Равнақ, Нишотий каби ўша даврнинг гешқадам қаламкашлари тўпланганди. Андалиб ҳам ўша адабий муҳитнинг етук қаламкаши ҳисобланади.

Андалиб ўзининг таржимаи ҳоли тўғрисида «Юсуф ва Зулайҳо» дostonининг кириш қисмида шундай ёзди:

Исим эрди  
Нурмуҳаммад гариб,  
Сўзда тахаллусим эрди  
Андалиб,  
Шаҳримиз Урганч  
вилоят эди,  
Хонимиз Шоҳ Ҳози  
жамоат эди,  
Бўйла Қорамози эрди  
жойимиз.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,  
ЎзМУ журналистика  
факультети талабаси.

ЭНГ... ЭНГ... ЭНГ...

Энг катта стадион Чехословакиянинг Прага шаҳридаги Страгов стадионидир. У 1934 йилда оммавий намойиш ҳамда тадбирлар учун қуриб битказилган бўлиб, жами 240 мингта томошабинни сиғдира олади.

Энг йирик истироҳат боғи АҚШнинг Флорида штатидаги Орланда шаҳри яқинида жойлашган. «Дисней уорлд» дея номланувчи мазкур боғ жами 11332 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, қурилишига 400 млн. доллар маблағ сарфланган. 1971 йилнинг 1 октябрида очилган «Дисней уорлд» фақат 1988 йилнинг ўзида 22,5 млн. кишига хизмат кўрсатган.

Энг катта пивохонада улфатгарчилик қилиши кўнглингиз тусаса, марҳамат. Олмониянинг Мюнхен шаҳрига отлавишигиз мумкин. Бу ерда Байерштрассе, 5-

уйни қидириб топсангиз кифоя, дунёдаги энг хуштаъм пиводан хўшлаб, бемалол ҳордиқ чиқараварасиз. Ҳар кун мазкур пивохонада 48 минг литрдан ортиқ пиво сотилади. У 1829 йилда қуриб битказилган эди. Аммо иккинчи жаҳон уруши оқибатида вайрон этилиб, 1955 йилда қайтадан қурилди.

Энг баланд минорага Канаданинг Торонто шаҳридаги метро марказида дуч келиш мумкин. «Си Эн» дея номланувчи мазкур миноранинг баландлиги 555,34 метрга тенг. Илк пойдевори 1973 йил 12 февраль кунини қўйилган ва орадан икки йил ўтар-ўтмас, 1975 йилнинг 2 апрелидаёқ қуриб битказилган. Қурилишига жами 44 млн. доллар маблағ сарфланган. 416 кишига мўлжалланган ресторан 347,5 метр баландликда жойланган ва тинимсиз равишда айланиб туради.

ФИРДАВСИЙ ҲИҚМАТЛАРИДАН

Ҳамиша ақлингни раҳнамо этгил,  
Полойиқ ишлардан олисга кетгил.

Меҳнат тагидадир, эй ақил, ҳар ганж,  
Ганж топмас ҳеч кимса тортмас эса ранж.

Хунар бирла ақлинг бириккан ҳамон,  
Ҳар иш бу жаҳонда юришгай раво.

Икки дўст тураркан елмама-елка,  
Тоғларни ҳам осон айлади тилка.

Қудратлидир нимки бўлса билимдон,  
Билимдан кексалар дили навқирон.

Вомога қўшилма, бўлурсан ёмон,  
Қаросин юқтирар доимо қозон.

А. НУРМАТОВ тўплади.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БУЛАДИ

ДАРВИН МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

Ўз ҳаёти билан аҳмоқона тарзда хайрлашган одамлар учун бериладиган Чарлз Дарвин мукофотида 2000 йил учун номзодлар аниқланди. Бош мукофот машқ халқасига электр токи улаган англиялик ҳаваскор-боксчига насиб қилиши мумкин. Боксчи машқда биринчи зарбадаёқ жон таслим қилди.

Британиялик боксчиغا Ньюгара шаршарасидан қўлбола ракетатада учиб ўтмоқчи бўлган мексикалик бир кишини рақобатчи. Ракета мўрисига сув кириб, эгаси билан 60 метрлик чуқурликка қулаб тушди.

Филиппинлик бир ўзо-

шимча бундан ҳам гаройиб тарзда парвоз қилмоқчи бўлган. У ҳақидаги самолёт йўловчиларини тунаб, ўзи парашютдан дастга самради. Парашют ҳавода очилмади, чунки уни марқумнинг ўзи тикканди.

«Балтика» пивосининг ашаддий ихлосмандига ҳам «ақлли» ўлим насиб этмади. Пивога тўйиб олган бу йигитни ҳиқичоқ тутиб қолади. Ҳиқиллаш жонига теккан шўрлик улфатидан елкасига қаттиқ бир уришни илтимос қилади. Шериги унинг умурқасига шундай тупирдики, пивоҳур тил тортмай жон берди.

ФУТБОЛ ОЛАМИДА

«РЕАЛ» — ЭНГ ЯХШИ ЖАМОА

Берлин шаҳрида футбол бўйича 2000 йил лауреатларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. 2000 йилнинг энг яхши клуб мурабийси номини «Бока Хуниорс» (Аргентина) клуби устози Карлос Бьялки қўлга киритди. Эктор Купер («Валенсия», Испания) ва Висенте дель Боске («Реал», Испания) навбатдаги ўринларни эгаллаган бўлса, Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси машҳур мурабийси Алекс Фергюссон тўртинчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Терма жамоа мурабийлари бўйича биринчи ўринни Францияни 2000 йил Европа чемпиони қилган Роже Лемерр олган бўлса, Умберто Коэльо (Португалия) ва Марсело Бьелсе (Аргентина)лар кейинги ўринларни эгаллашди.

Энг яхши жамоа унвони эса 8 карра чемпионлар лигаси голиби бўлган Мадриднинг «Реал» жамоасига насиб этди. Кейинги ўринларда эса «Галатасарой» (Туркия) ва Бока Хуниорс (Аргентина) жамоалари.

Энг яхши дарвозабон деб Франция миллий терма жамоаси ва «Манчестер Юнайтед» дарвозабони Фабьен Бартез тан олинди. Кейинги погоналарни Оливер Кан (Германия), «Бавария» ва Франческо Тольдо (Италия), «Фиорентина»лар эгаллашди.

Пилнинг энг яхши бош ҳаками деб италиялик Пьер-Луиджи Коллина эътироф этилган бўлса, швед Андреас Фриск ҳамда немис Маркус Мерклар мос равишда иккинчи ва учинчи ўринларни забт этишди.

Ш. ТОЖИЕВ тайёрлади.

ДАВАЙТЕ ПОСМЕЕМСЯ...

Режиссер говорит автору сценария:

— Сценарий мне понравился. Нужно только упростить некоторые диалоги, чтобы было понятно любому идиоту.

— Договорились. Какие именно места вам непонятны?

\*\*\*

Плывет «Титаник». Вдруг он валетает на айсберг. К пассажирам выходит капитан и говорит:

— Господа, у меня для вас две новости: хорошая и плохая. С какой начать?

— С плохой! С плохой!

— Наш корабль тонет.

— А какая же хорошая?

— За одноименный фильм нас ждут шестнадцать «Оскар».



ПОЛЕЗНЫЕ СОВЕТЫ  
ПОДСТАВЬТЕ  
ВЕТРУ ЛИЦО

особо бегать не рекомендуется, но пройтись в среднем темпе полчаса-час и им не противопоказано.

Если у вас стенокардия, то идти лучше всего навстречу ветру! Пусть всего 15—20 шагов, но — ветер в лицо! Чтобы подготовить себя к такому закаливанию, желательнее перед выходом из дома положить под язык таблетку нитроглицерина для профилактики. Первые же признаки боли в сердце — сигнал к прекращению прогулки и возвращению домой. Или хотя бы надо остановиться, присесть на лавочку.

Первыми должны подставить лицо ветру те, кто обычно болезненно реагирует на перепады атмосферного давления и изменения погоды, страдая головной болью, слабостью, снижением работоспособности и раздражительностью.

Б. СЕРГЕЕВ,

ПРОВЕРЬ СЕБЯ

КАК ТЫ  
МЫСЛИШЬ?

Современная наука подтверждает то, о чем мы все давно догадывались: мужчины и женщины думают по-разному. Считается, что эти различия определены гормонами, которые получает плод в утробе матери во время формирования головного мозга.

Например, гормон андроген, играющий принципиальную роль в формировании

именно мужского организма, в то же время усиливает способности пространственного восприятия, попадая в организм женщины.

Правая полушара мозга, отвечающая за логическое мышление, как правило, больше развита у мужчин. В то же время нервных волокон, связывающих обе полушары, больше у жен-

щин, чем у мужчин. Именно по этой причине при решении задач женщина действует обе половины мозга, мужчина же в основном использует логически мыслящую правую половину.

Когда во время «мысленного сканирования» в поле зрения попадают образы, вызывающие эмоциональную реакцию, мозг женщины сразу возбуждается, а мужской мозг едва их замечает. Может быть, этим и объясняется то невразумительное мычание, которое мужчины способны из себя выдать в ответ на очередное женское «Ты меня любишь?»

Подготовил Б. САИДОВ.

РЕКЛАМА ♦ ОБЪЯВЛЕНИЯ ♦ 56-54-76 ♦ РЕКЛАМА ♦ ОБЪЯВЛЕНИЯ

КУПЛЮ

♦ Холод., шв. маш., ТВ, в/маг., стир. маш. «Киргизия», газ. пл., велосипед раб. и пераб. Т.: 74-95-15, 75-59-73.

♦ Белила температура поливинилцеллюлозные (рози). Т.: 92-07-20.

♦ ВМ-12, Кomety-225, маг., усилит., АС. Т.: 78-56-34, 56-27-39.

НЕДВИЖИМОСТЬ

♦ Продаю две 3-комн. кв. в одном подъезде (3/5 и 4/5), м-в Чиланзар, кв-л 26. Т.: 72-54-20.

ТАБРИКНОМА

Ҳурматли катта лейтенант Б. ОТАХОНОВ! Сафдош дўстларим оддий аскарлар — Жасур Ҳамиджонов, Зоҳид Юнусов, Мамалатиф Эшқувватов, Анвар Мамажонов! Сизларни таваллуд кунларингиз билан чин юракдан табриклайман. Соғлиқ-саломатлик, омад доим сизга ёр бўлсин!

Сафдошлар номидан оддий аскар ЖАСУР ХУРРАМОВ,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 23 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек бошхона тўловлари учун хоржий ва-

лоталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматин белгилади:

1 АҚШ долларин 327 80

\* Валюта қийматин белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



ПОНЕДЕЛЬНИК, 29.01

8.00, 9.25, 14.00 Мультсериал. 8.30, 20.45, 2.45 Постфактум. 8.45, 17.35 «В поисках истины».

ВТОРНИК, 30.01

8.00, 9.35, 14.00 Мультсериал. 8.30, 20.45, 2.45 Постфактум. 8.45, 17.35 «В поисках истины».

СРЕДА, 31.01

8.00, 9.35, 14.00 Мультсериал. 8.30, 20.45, 2.45 Постфактум. 8.45 «В поисках истины».

ЧЕТВЕРГ, 1.02

8.00, 9.35, 14.00 Мультсериал. 8.30, 20.45, 2.45 Постфактум. 8.45, 17.45 «В поисках истины».

ПЯТНИЦА, 2.02

8.00, 9.35, 14.00 Мультсериал. 8.30, 20.45, 2.45 Постфактум. 8.45, 17.35 «В поисках истины».

СББОТА, 3.02

8.05, 17.15, 4.55 Мультфильм. 8.35 Молодые дарования. 9.20 Фильм «Дети».

ВОСКРЕСЕНЬЕ, 4.02

8.05, 17.25, 4.50 Мультфильм. 8.25 «Волшебный микроскоп». 8.50 Фильм «Дети».

29 ЯНВАРЯ

6.00 «Ассалом, Уз ешитин!».

30 ЯНВАРЯ

6.00 «Ассалом, Уз ешитин!».

31 ЯНВАРЯ

6.00 «Ассалом, Уз ешитин!».

1 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Уз ешитин!».

2 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Уз ешитин!».

3 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Уз ешитин!».

4 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Уз ешитин!».

5 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Уз ешитин!».

6 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Уз ешитин!».

7 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Уз ешитин!».

8 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Уз ешитин!».

Main program grid table with columns for time slots and program titles across various channels.

